

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**АЯСОВ ХУШБЕК ҒАЙБУЛЛАЕВИЧ**

**ТОШКЕНТ ВОҲАСИ ШАРОИТИДА БЎЁҚЛИ БАСМА (*INDIGOFERA  
TINCTORIA* L.) ВА БОҒ БАЛЗАМИ (*IMPATIENS BALSAMINA* L.) НИНГ  
БИОЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ЕТИШТИРИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**06.03.03 – Доривор ўсимликлар интродукцияси, етиштириш технологияси  
ва агрофармэкологияси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ –2024**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on agricultural  
sciences**

**Аясов Хушбек Ғайбуллаевич**

Тошкент воҳаси шароитида Бўёқли басма (*Indigofera tinctoria* L.) ва Боғ  
балзами (*Impatiens balsamina* L.) нинг биоэкологик хусусиятлари ва  
етиштириш технологияси..... 3

**Аясов Хушбек Ғайбуллаевич**

Биоэкологические особенности и технология возделывания  
Индигоферы красильной (*Indigofera tinctoria* L.) и Бальзамина садового  
(*Impatiens balsamina* L.) в условиях Ташкентского оазиса..... 21

**Ayasov Xushbek G'aybullayevich** Bioecological features and technology  
of cultivation of *Indigofera tinctoria* L. and *Impatiens balsamina* L. in the  
conditions of the Tashkent oasis..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 42

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**АЯСОВ ХУШБЕК ҒАЙБУЛЛАЕВИЧ**

**ТОШКЕНТ ВОҲАСИ ШАРОИТИДА БЎЁҚЛИ БАСМА (*INDIGOFERA  
TINCTORIA* L.) ВА БОҒ БАЛЗАМИ (*IMPATIENS BALSAMINA* L.) НИНГ  
БИОЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ЕТИШТИРИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**06.03.03 – Доривор ўсимликлар интродукцияси, етиштириш технологияси ва  
агрофармэкологияси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент –2024**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида B2022.1.PhD/Qx882 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.aknuk.uz](http://www.aknuk.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим тармоғида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ахмедов Эгамёр Тошбоевич**  
биология фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Хамраева Дилобар Толибжоновна,**  
биология фанлари доктори

**Баратова Мохидил Рахимовна,**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Ўрмон хўжалиги агентлиги**

Диссертация химояси Тошкент давлат аграр университети хузуридаги DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2024 йил 23 июль соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси 2-уй Тел: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60, e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (551374-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси 2-уй. Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс маркази биноси Тел: (+99871) 260-50-43

Диссертация автореферати 2024 йил 11 июль куни тарқатилди.  
(2024 йил 25 июндаги 1-рақамли реестр баённомаси)



## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)) диссертация аннотацияси

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Маълумки, айни пайтда “дунё бўйича табиий шароитда ўсадиган ўсимликларнинг сони 400 мингга яқин турни ташкил этади”<sup>1</sup>. Мазкур ўсимликларнинг 1000 дан ортиқ турларини тиббиётда маълум касалликларни даволаш ҳамда шу касалликни олдини олиш мақсадида ишлатилади. Бугунги кунга келиб дунёнинг бир қатор ривожланган давлатларида истиқболли доривор ўсимлик турлари маданий ҳолда кенг етиштирилиб келинмоқда. Ушбу давлатлардан “Австрия (4,5 минг. га), Германия (6 минг. га) Испания (20 минг. га), Франция (30 минг. га), Польша (35 минг. га), Венгрия (45 минг. га), Хитой (470 минг. га), Ҳиндистон (300 минг. га) ва бошқа дунёнинг бир қатор ривожланган давлатлари доривор ўсимликларни замонавий усулларда етиштириш борасида етакчи ҳисобланади”<sup>2</sup>. Ушбу майдонларда етиштирилган Бўёқли басма ва Боғ балзами ўсимлик турлари фармсаноат учун юқори ва сифатли хом-ашё етказиб беришни таъминлайди. Бу эса дори воситаларини кимёвий препаратлардан кўра табиий органик маҳсулотлар асосида тайёрлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Дунё давлатларида доривор ўсимликларни етиштириш, мавжуд генофондни сақлаб қолиш, табиий захираларини тиклаш ҳамда маданий ҳолда кўпайтириш энг муҳим йўналишлардан бири бўлиб, фармацевтика саноатини ривожлантириш ва доривор ўсимликлар хом ашёси асосида табиий дори воситаларини кўпайтириш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда жаҳонда Бўёқли басма ва Боғ балзами ўсимликларининг хом ашёсини тайёрловчи етакчи мамлакатлар уруғдан экиш меъёри, етиштириш агротехнологияларининг илғор усулларини ишлаб чиқиш ва қўллаш ҳисобига хом ашё ҳосилдорлиги ҳамда сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада доривор ўсимликларнинг хом ашёси ҳосилдорлигини оширишда зарур минерал ва органик ўғитлар ҳамда агротехник тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича кенг кўламли илмий–тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Республикамизнинг турли тупроқ-иқлим шароитларида доривор ўсимликларни етиштириш, кўпайтириш ҳамда плантацияларини барпо этиш, интродукцияси ва иқлимлаштирилиши борасида бир қатор тадқиқотлар олиб борилиб, муайян даражада ижобий натижаларга эришилган. Аммо, республикамизнинг турли иқлим-тупроқ шароитларида Бўёқли басма ва Боғ балзами ўсимлигини етиштириш агротехнологиялари етарлича ишлаб чиқилмаган. Ўзбекистон Республикасининг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг “Тараққиёт стратегияси” да “Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг

<sup>1</sup> [www.floruz.uz](http://www.floruz.uz)

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги, доривор ва зиравор ўсимликларни етиштирувчи ва тайёрловчи мутахассислар учун қўлланма. Тошкент–2020 йил.

йиллик ўсишини камида 5% га етказиш”<sup>3</sup> вазифалари белгилаб берилган. Шу ўринда, Ўзбекистон шароитида Бўёқли басма ва Боғ балзами ўсимлигини кўпайтириш, парваришlash ва хом ашё етиштиришнинг замонавий усуллари илмий-амалий асосда ишлаб чиқиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ–4670–сон “Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора–тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 26 ноябрдаги ПҚ–4901–сон “Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларнинг уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий–тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга оид чора–тадбирлар тўғрисида”ги, 2022 йил 20 майдаги ПҚ–251–сон “Доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш ва қайта ишлаш ҳамда даволашда улардан кенг фойдаланишни ташкил этиш чора–тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва мазкур соҳага доир бошқа меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устивор йўналишларга мослиги.** Диссертация тадқиқоти Республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф–муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бўёқли басма (*Indigofera tinctoria* L.) ва Боғ балзами (*Impatiens balsamina* L.) ўсимликларини кўпайтириш ва плантацияларда етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш, селекцияси, биокимёвий таркибини ўрганиш бўйича дунёнинг бир қатор давлатларида илмий тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, Edvard Shank (2019), William Finch (2020), Tadigoppula Narendr (2022), P.V.Sindhu, M.T.Kanakamany (2016), S.Beena (2021), K.P.Renukadeva (2016), Anju Puri (2015), Tanvir Khaliq (2002), L. Pattanaik (1986), R.Kumar (2016), J.O.Alagbe (2020), P.V.Sindhu (2018), M.T.Kanakamanya (2007), S.Beena (2021), В.З.Юсуфова (2016), А.Л.Тахтаджян (1987), D.J.Barker (1997), А.Е.Васильев (1995), О.В.Костина (2005), Н.Н.Каден (2014), М.В.Марков (1997), Е.Г.Победимова (1995), Н.А.Kusumashati (2022) каби хорижий олимлар илмий изланишларида Бўёқли басма ўсимлигининг систематикаси, биоэкологияси, кўпайтириш усуллари ва етиштириш агротехникасига доир маълумотлар атрофлича ёритилган.

Республика ҳудудларида доривор ўсимликлар интродукцияси бўйича етакчи олимлар И.В.Белолипов (1976), Ю.М.Мурдахаев (1991), Х.Қ.Қаршибоев (2020), Б.Ё.Тўхтаев (2009) ва бошқалар томонидан кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилган бўлиб, сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг деградацияга учраган тупроқларида Бўёқли басма

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январ №-60-сон “2022-2026 йилларда янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” фармони.

ўсимлигини ўстириш бўйича эса Ғ.Қ.Ёқубовнинг (2012) илмий изланишларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Аммо, бу илмий изланишлар маълум бир мақсадларга йўналтирилган бўлиб, Тошкент воҳаси шароитида Бўёқли басма ва Боғ балзами ўсимликларининг биоэкологик хусусиятлари ва етиштириш технологияси ишлаб чиқилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий–тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти илмий тадқиқот ишлари режаларининг №3 “Доривор ўсимликларни интродукция қилиш ва маҳаллий шароитда етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш” (2020-2022 й.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Тошкент воҳаси шароитида Бўёқли басма (*Indigofera tinctoria* L.) ва Боғ балзами (*Impatiens balsamina* L.) нинг биоэкологик хусусиятлари ва етиштириш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

типик ва оч тусли бўз тупроқлар шароитларида танланган объектларнинг мақбул экиш муддатлари ва меъёри ҳамда уруғларни лаборатория ва дала шароитларида унувчанлигини аниқлаш;

ўсимликларни биоэкологик хусусиятларини аниқлаш;

минерал ўғитлар меъёрларининг ўсимликларни ўсиши, ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш;

минерал ўғитлар меъёрларининг ўсимликларни фитокимёвий таркибига таъсирини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Бўёқли басма (*Indigofera tinctoria* L.) ва Боғ балзами (*Impatiens balsamina* L.) олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб мазкур ўсимлик уруғлари, экиш меъёрлари, муддатлари ва унувчанлиги, биоэкологик хусусиятлари, минерал ўғит меъёрлари ҳамда хом ашё ҳосилдорлиги ва фитокимёвий таркиби кўрсаткичлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот ишларини бажарилишида лаборатория ва дала тажрибаларини ўтказиш, фенологик кузатиш, биометрик ўлчаш ва статистик усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Тошкент воҳасининг оч тусли ва типик бўз тупроқ шароитларида Бўёқли басма ўсимлигини мақбул экиш муддати 30 апрел ва экиш меъёри 3 кг/га ҳамда Боғ балзами ўсимлигини мақбул экиш муддати 15 апрел ва экиш меъёри 4 кг/га тенг бўлиши илмий исботланиб, дала шароитларида Бўёқли басма ўсимлигини уруғ унувчанлиги 83,5% ни ва Боғ балзами ўсимлигида эса 82 % ни ташкил этганлиги аниқланган;

ўсимлик уруғларининг лаборатория шароитида унувчанлиги ҳарорат билан бевосита боғлиқ бўлиб, Бўёқли басма ўсимлигида мақбул ҳарорат +25<sup>0</sup>С бўлганда унувчанлик миқдори 82% ни ҳамда Боғ балзами ўсимлигида эса мақбул ҳарорат +20<sup>0</sup>С бўлганда бу кўрсаткичларни 95% га юқори

бўлганлиги илмий исботланди;

оч тусли бўз тупроқ шароитида Бўёқли басма ва Боғ балзами ўсимликларига  $N_{60}P_{60}K_{40}$  кг/га қўлланилганда Бўёқли басма ўсимлигининг ер устки вазни 5,730 кг/га, уруғ ҳосилдорлиги 1,861 кг/га ва типик бўз тупроқ шароитларида Бўёқли басма ўсимлигининг ер устки вазни 6778,9 кг/га, уруғ ҳосилдорлиги 2184 кг/га ҳамда оч тусли бўз тупроқ шароитида Боғ балзами ўсимлигида бу кўрсаткичлар 3,354 кг/га ва 705,2 кг/га ва типик бўз тупроқ шароитларида эса бу кўрсаткичларни 3768,7 кг/га ва 782,5 кг/га юқори бўлганлиги илмий исботланган;

Бўёқли басма ўсимлигини етиштиришда  $N_{60}P_{60}K_{40}$  кг/га меъёрда қўлланилиши натижасида ўсимлик барглари таркибидаги апигенин 35,51 мг/100 г, галл кислота 1,97 мг/100 г, гиперазид 8,12 мг/100 г, рутин 0,72 мг/100 г.ни ҳамда Боғ балзами ўсимлигини етиштиришда бу кўрсаткичлар ўсимлик баргидаги апигенин 41,72 мг/100 г, галл кислота 8,15 мг/100 г, гиполаетин 0,18 мг/100 г. бўлганлиги илмий исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** олиб борилган илмий-тадқиқот иши натижаларини апробация комиссиялари томонидан ижобий баҳоланганлиги, илмий-тадқиқотлар тўғрисидаги ҳисоботларни Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти илмий кенгашида муҳокама этилганлиги ва ижобий тақриз олинганлиги, тадқиқот маълумотлари статистик таҳлилдан ўтказилганлиги ҳамда олинган илмий натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тадқиқот натижалари республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, олинган натижалар асосида илмий нашрларда мақолалар чоп этилганлиги билан изоҳланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Тошкент воҳаси шароитида Бўёқли басма ва Боғ балзами ўсимликларини биоэкологик хусусиятларини атрофлича тадқиқ этилганлиги, уруғларининг мақбул экиш меъёри ва муддатлари илмий жиҳатдан исботланганлиги, қўлланилган минерал ўғитларнинг энг мақбул муддат ва меъёрларини илмий асослаб берилганлиги ҳамда ўсимлик фитокимёвий таркибини аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган илмий маълумотларни республикамизнинг турли хил тупроқ ва иқлим шароитида кенг масштабда плантацияларини барпо этилиши ҳамда хом ашё маҳсулотларини етиштириш агротехникаси бўйича тавсияномаларни ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бўёқли басма ва Боғ балзами ўсимликларининг Тошкент вилояти шароитида биоэкологик хусусиятларини ва етиштириш технологиясини тадқиқ қилишда олинган илмий натижалар асосида:

Бўёқли басма ва Боғ балзами ўсимликларини етиштиришда минерал ўғитларни  $N_{60}P_{60}K_{40}$  кг/га меъёрда қўллаш ишланмаси Тошкент вилояти Қуйи-Чирчиқ ихтисослашган давлат ўрмон хўжалигида 4 га майдонда жорий

этилган (Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2022-йил 29-декабрдаги 04/21–7768–сон маълумотномаси). Натижада, Бўёқли басма поя, барг ва уруғ хом ашё ҳосилдорлиги 1,5 баробарга ва олинган даромад 99867380 сўм/га, ўсимлик уруғларидан олинган даромад 34626743 сўм/га атрофида қайд этилган, Боғ балзами поя, барг ва уруғ хом ашё ҳосилдорлиги 1,3 баробарга ва олинган даромад 38566414 сўм/га, ўсимлик уруғларидан олинган даромад 12457815 сўм/га ни ташкил этган;

Бўёқли басма ва Боғ балзами ўсимликларини етиштиришда минерал ўғитларни  $N_{60}P_{60}K_{40}$  кг/га меъёрда қўллаш технологияси Тошкент вилояти Тошкент туманидаги “Дархон” тажриба хўжалиги шароитида 2,0 гектар майдонда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2022-йил 29-декабрдаги 04/21–7768–сон маълумотномаси). Натижада, Бўёқли басма ўсимлигининг поя, барг ва уруғ хом ашё ҳосилдорлиги 1,7 баробарга ва олинган даромад 123994380 сўм/га, ўсимлик уруғларидан олинган даромад 44965943 сўм/га сўм атрофида қайд этилган, Боғ балзами хом ашё ҳосилдорлиги 1,5 баробарга ва олинган даромад 47632414 сўм/га, ўсимлик уруғларидан олинган даромад 16322815 сўм/га ни ташкил этган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий ишлар чоп этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 3 таси хорижий, илмий–амалий конференцияларда 6 та (шундан 3 таси халқаро) илмий мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, 5 та боб, хулосалар, ишлаб чиқаришга тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида илмий тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратига асосланган ҳолда, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқоти бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот иш режалари билан боғлиқлиги, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предметига таъриф берилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти атрофлича баён этилган, олинган тадқиқот натижаларининг ишончилиги асосланган, тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси ва эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг тузилиши ва ҳажми тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Бўёқли басма (*Indigofera tinctoria* L.) ва Боғ балзами (*Impatiens balsamina* L.) нинг халқ хўжалигида аҳамияти ҳамда етиштириш технологияси (адабиётлар шархи)” деб номланган биринчи бобида


танланган мавзу объектларига доир маълумотларнинг (ўсимликнинг келиб чиқиши, тарқалиши ва халқ хўжалигидаги аҳамияти ҳамда етиштириш технологияси борасида хорижий ва республикаимиз олимлари томонидан олиб борилган илмий тадқиқотларнинг қисқача адабий манбалар) шарҳи атрофлича келтирилган.

Диссертациянинг “Тадқиқотни ўтказиш шароити ва услублари” деб номланган иккинчи бобида тадқиқот олиб борилган жойнинг тупроқ-иқлим шароити икки ҳудуд бўйича алоҳида келтирилган. Шунингдек, мазкур бобнинг “Тадқиқотлар объекти ва услублари” деб номланган бўлимида илмий тадқиқотларни объектлари ҳамда илмий ишни бажаришда қўлланилган услублар келтирилган.

Диссертациянинг “Бўёқли басма (*Indigofera tinctoria* L.) ва Боғ балзами (*Impatiens balsamina* L.) ўсимликларини биоэкологик хусусиятлари” деб номланган учинчи бобида ўсимликларнинг лаборатория ва дала шароитидаги уруғ унувчанлиги ҳамда мавсумий ривожланиши келтирилган. Бунда Бўёқли басма ўсимлигининг лаборатория шароитида уруғ унувчанлиги қуйидаги расмда келтирилган (1-расм).

Мақбул ҳароратни аниқлаш мақсадида 4 та Петри лycopчаларида 100 дондан уруғлар термостатга қўйилиб, 10 °C, 15 °C, 20 °C, 25 °C, 30 °C ҳароратларда уруғларнинг унувчанлиги ва униш энергияси маълум кунларда унган уруғларни санаб бориш йўли билан аниқланди.

Олиб борилган тажрибаларнинг кўрсатишича, лаборатория шароитида Бўёқли басма ўсимлиги уруғларини униши учун мақбул ҳарорат 25 °C ни ташкил этиб, 10-15 кун оралиғида уларнинг миқдори 82 % ни ташкил этди (1-расм).



1-расм. Бўёқли басма ўсимлиги уруғларининг лаборатория шароитида унувчанлиги, % (2020-2022 йй)

Таъкидлаш жоизки, ҳароратнинг 10-20 °C бўлиши ўсимлик уруғларининг униб чиқиш давомийлигини чўзилиши ва аксинча, ҳароратнинг 25 °C дан ошиши уруғларни тез, қисқа муддатларда униб чиқиш даражаси пасайишига сабаб бўлади (1-расм).

Бўёқли басма ўсимлик уруғларини дала шароитида унувчанлигини аниқлаш мақсадида 2020-2022 йилларда уч муддатда баҳор ойининг


15 апрел, 30 апрел ҳамда 15 май саналарида ўсимлик уруғлари экиб синаб кўрилди. Маълум бўлдики, дала шароитида уруғларнинг унувчанлиги ҳаво ҳароратлари билан бевосита боғлиқ бўлиб, ҳароратнинг 10-20 °С бўлиши ўсимлик уруғларининг униб чиқиш давомийлигини чўзилиши ва аксинча, ҳароратнинг 25 °С дан ошиши унувчанлик даражасини ошишини таъминлайди (1-жадвал).

1-жадвал


**Бўёқли басма уруғларининг дала шароитида унувчанлиги, %  
(2020-2022 йй)**

Экилган қаторлар	Уруғлар сони	Экилган муддати 15.04.2020-2022 й		Униб чиқиши, %	Экилган муддати 30.04.2020-2022 й		Униб чиқиши, %	Экилган муддати 15.05.2020-2022 й		Униб чиқиши %
		Униб			Униб			Униб		
		Чиқиши кун, ой	Тугаши кун, ой		Чиқиши кун, ой	Тугаши кун, ой		Чиқиши кун, ой	Тугаши кун, ой	
1	100	22/IV	5/V	77.2	6/V	15/V	85	24/V	7/VI	68
2	100	25/IV	7/V	78,3	8/V	16/V	87	25/V	8/VI	65
3	100	28/IV	10/V	82.1	7/V	17/V	82	26/V	9/VI	72
4	100	21/IV	4/V	75.1	10/V	20/V	80	23/V	6/VI	70
ўртача унувчанлик				78.2			83,5			68,7

Бобнинг Бўёқли басманинг мавсумий ривожланиши деб номланган бўлимида Тошкент вилоятининг типик ва оч тусли бўз тупроқлар шароитида етиштирилган Бўёқли басма ўсимлигининг вегетация даври давомидаги мавсумий ривожланишининг феноспектрлари кўрсатилган (2-3 расмлар).



2-расм. Оч тусли бўз тупроқ шароитида Бўёқли басма ўсимлигининг мавсумий ривожланиши (феноспектри)




3-расм. Типик бўз тупроқ шароитида Бўёқли басма ўсимлигининг мавсумий ривожланиши (феноспектри)

	– вегетация даври давомидаги		– дуккакларни шаклланиши
	– баргининг қуриши		– дуккакларнинг пишиши
	– гунчалаш даври давомидаги		
	– гуллаш даври давомидаги		

Тошкент вилояти шароитида Бўёкли басма ўсимлигининг мавсумий ривожланиш фазаларининг ўзгариши иқлим, тупроқ шароитлари билан узвий боғлиқ. Баҳор фаслининг охири ойларида (май) ҳаво ҳароратининг ўртача 20-25 °С га кўтарилиши ўсимликда вегетация жараёнининг жадаллашиши ва аксинча, ҳароратни пасайиши эса вегетация даврининг кечикишига олиб келади. Ўртача ҳаво ҳароратини 30-35 °С га ва ҳавонинг нисбий намлигини ўртача 45-52 % га пасайиши билан ўсимликларда гуллаш жараёни кузатилди. Ўсимликларда ғунчалаш фазаси 9-10 кун, гуллаш фазаси 14-15 кун, мевалаш фазаси 50-51 кун ҳамда вегетация давомийлиги 148-155 кунни ташкил этади (2-3 расм).

Бобнинг Боғ балзами ўсимлигининг уруғ унувчанлиги бўлимида, мазкур турнинг лаборатория ва дала шароитидаги уруғ унувчанлик кўрсаткичлари аниқланган (4-расм).



4-расм. Боғ балзами уруғларининг лаборатория шароитида унувчанлиги, %

Мақбул ҳароратни аниқлаш 4 та Петри лycopчаларида 100 донадан уруғлар термостатга қўйилиб, 10 °С, 15 °С, 20 °С, 25 °С, 30 °С ҳароратларда уруғларнинг унувчанлиги ва униш энергияси маълум кун оралатиб унган уруғларни санаб бориш йўли билан аниқланди.

Таърибаларнинг кўрсатишича, лаборатория шароитида Боғ балзами ўсимлиги уруғларини униши учун мақбул ҳарорат 20 °С эканлиги аниқланди. Ушбу кўрсаткичли ҳароратда Петри лycopчасидаги 100 дона уруғларнинг униш давомийлиги 10-15 кун бўлиб, униб чиқиш миқдори 95% ни ташкил этди. Таъкидлаш жоизки, ҳароратнинг 10-15 °С бўлиши Боғ балзами уруғларининг униб чиқиш давомийлигини чўзилишига ва аксинча ҳароратнинг 20 °С дан ошиши эса унувчанлик даражасининг пасайишига олиб келди.

Ўсимлик уруғларини дала шароитида унувчанлигини аниқлаш мақсадида 2020-2022 йилларнинг уч муддатида, яъни баҳор ойининг 15 апрел, 30 апрел ҳамда 15 май саналарида ўсимлик уруғлари экиб санаб кўрилди. Уруғларнинг унувчанлиги ҳаво ҳароратлари билан бевосита боғлиқ бўлиб, ҳароратнинг 10-15 °С бўлиши ўсимлик уруғларининг униш


энергиясининг давомийлигини чўзилиши ва аксинча, ҳароратнинг 20 °С дан ошиши эса унувчанлик даражасининг пасайишига олиб келади. Лаборатория шароитида Бўёқли басма ўсимлиги уруғларини униши учун мақбул ҳарорат 20 °С ни ташкил этади. Дала шароитида эса, уруғларнинг унувчанлиги 64,2-82 % атрофида қайд этилиб, асосан икки хил омил (1-иқлим омили-ёғингарчилик миқдори ва тупроқ намлиги; 2-тупроқ омили-унинг ҳароратининг 10-12 °С дан юқори бўлиши) билан изоҳланади (2-жадвал).

2-жадвал


**Боғ балзами уруғларининг дала шароитида унувчанлигини, %  
(2020-2022 йй.)**

Экилган каторлар	Уруғлар сони	Экилган муддати 15.04.2020-2022 й		Униб чиқиши, %	Экилган муддати 30.04.2020-2022 й		Униб чиқиши, %	Экилган муддати 15.05.2020-2022 й		Униб чиқиши %
		Униб			Униб			Униб		
		Чиқиши кун,ой	Тугаши кун,ой	Чиқиши кун,ой	Тугаши кун,ой	Чиқиши кун,ой	Тугаши кун,ой	Чиқиши кун,ой	Тугаши кун,ой	
1	100	23/IV	7/V	85	7/V	18/V	78	28/V	7/VI	61
2	100	26/IV	9/V	82	9/V	20/V	87	29/V	10/VI	65
3	100	24/IV	6/V	83	8/V	21/V	82	30/V	12/VI	63
4	100	22/IV	5/V	78	11/V	24/V	75	27/V	11/VI	68
ўртача унувчанлик				82,0			80,5			64,2

Бобнинг Боғ балзами ўсимлигининг мавсумий ривожланиши бўлимида Тошкент вилоятининг типик ва оч тусли бўз тупроқлар шароитида етиштирилган ўсимликнинг вегетация даври давомидаги мавсумий ривожланишининг феноспектрлари кўрсатилган (5-6 расмлар).



5-расм. Оч тусли бўз тупроқ шароитида Боғ балзами ўсимлигининг мавсумий ривожланиши (феноспектр)



6-расм. Типик бўз тупроқ шароитида Боғ балзами ўсимлигининг мавсумий ривожланиши (феноспектр)

	– вегетация даври давомийлиги		– дуккакларни шаклланиши
	– баргининг қуриши		– дуккакларнинг пишиши
	– гулчалош даври давомийлиги		
	– гуллаш даври давомийлиги		

Тошкент воҳаси шароитида Боғ балзами ўсимлигининг мавсумий ривожланиш фазаларининг ўзгариши баҳор фаслининг охирига ойларида (май) ҳаво ҳароратининг ўртача 20-25 °С га кўтарилиши, ўсимликда вегетация жараёнининг жадаллашиши ва аксинча, ҳароратни пасайиши вегетация даврининг кечикишига олиб келди. Ўртача ҳаво ҳароратини 32-35 °С га ва ҳавонинг нисбий намлигини ўртача 45-52 % га пасайиши билан ўсимликларда гуллаш жараёни кузатилди. Ўсимликларда ғунчалаш фазаси 7-10 кун, гуллаш фазаси 30-35 кун, мевалаш фазаси 20-25 кун ҳамда вегетация давомийлиги 126-132 кунни ташкил этади (5-6 расмлар).

Диссертациянинг **Бўёқли басма (*Indigofera tinctoria* L.) ва Боғ балзами (*Impatiens balsamina* L.) ўсимликларини етиштириш агротехникаси ҳамда фитокимёвий таркиби** деб номланган тўртинчи бобида оч тусли ва типик бўз тупроқ шароитларида ўсимликларни етиштириш технологиялари атрофлича ёритилган. Бўёқли басма ва Боғ балзами ўсимликлари уруғларини мақбул экиш меъёри деб номланган бўлимда мазкур ўсимликларнинг уруғларини мақбул экиш меъёри ва ниҳолларининг яшовчанлигига экиш ва минерал ўғитларнинг таъсири ҳамда экиш меъёрининг ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланишига боғлиқлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган.

*Бўёқли басма ва Боғ балзами ўсимликларининг ўсиши ва ривожланишига минерал ўғитларнинг таъсири»* деб номланган бўлимда ўртача 1 туп ўсимлик (шоҳланиш сони, барг сони, илдиз узунлиги, шоҳланиш узунлиги ва ўртача бир дона барг сатҳи) ҳамда қуруқ массаси (барг, поя, илдиз) учун минерал ўғитларнинг таъсири тўғрисида таҳлилий маълумотлар келтирилган.


*Бўёқли басма ўсимлигининг хомашёси ҳосилдорлигига минерал ўғитларнинг таъсири»* деб номланган бўлимда ҳудудлар (оч тусли ва типик бўз тупроқ шароитлари) бўйича Бўёқли басма ва Боғ балзами ўсимликларини етиштиришда турли хил минерал ўғит меъёрларини ўсимликнинг ҳосилдорлигига таъсири аниқланган.

Олиб борилган (2020 й.) тажрибаларда ўсимликлар асосан, назорат варианты сифатида ўғитсиз майдон ва минерал ўғитлар миқдори соф ҳолда  $N_{30}P_{60}K_{40}$ ,  $N_{60}P_{60}K_{40}$ ,  $N_{90}P_{60}K_{40}$  кг/га қилиб (жами 4 та вариант) белгиланди ва меъёрда озиклантирилди


Оч тусли бўз тупроқлар шароитида олинган натижаларга асосан, ўғит солинмаган (назорат) вариантда ўсимликнинг барги ва пояси қуруқ массаси 3830,6 кг/га; уруғ ҳосили 1470,4 кг/га ни, иккинчи вариантда барг ва поя 5154,7 кг/га; уруғ ҳосили 1745,3 кг/га ни, учинчи вариантда поя ва барг қуруқ массаси 5827,6 кг/га, уруғ 1861,2 кг/га ни ҳамда тўртинчи вариантда эса поя ва барг массаси 6235,9 кг/га, уруғ ҳосили 2256,6 кг/га ни ташкил этганлигини кўрсатди.

Назорат вариантда ўсимликларни ҳосилдорлиги 3830,6 кг/га ни ташкил этган бўлса, иккинчи ( $N_{30}P_{60}K_{40}$ ) вариантда бу кўрсаткичлар 5154,7 кг/га атрофида қайд этилди. Сезиларли даражадаги фарқли ўзгариш (барг массаси 6235,9 кг/га, уруғ ҳосили 2256,6 кг/га) тўртинчи ( $N_{90}P_{60}K_{40}$ ) вариантда қайд этилиб, назоратга нисбатан (162,7%) қарийб 1,6 баробарга тенг бўлди.

2021 ва 2022 йиллари олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари ҳам 2020 йил олиб борилган тажрибалар билан яқин бўлиб, назорат вариантда 3720,0-3650,5 кг/га; уруғ ҳосили 1470,6-1473,1кг/га; иккинчи вариантда эса барг ва поя 5024,0–4980,1 кг/га; уруғ ҳосили 1733,4-1745,4 кг/га; учинчи вариантда поя ва барг қуруқ массаси 5712,2-5650,1 кг/га, уруғ 1859,9-1861,6 кг/га; тўртинчи вариантда поя ва барг массаси 6115,6-6065,1 кг/га, уруғ ҳосили 2259,0-2260,1 кг/га оралиғида қайд этилди (7.а-расм).



А-оч тусли бўз



Б-типик бўз

7–расм. Оч тусли ва типик бўз тупроқлар шароитларида Бўёкли басма ўсимлигининг барг, поя ва уруғ ҳосилдорлиги, кг/га (2020-2022 йй.).

Тадқиқотлар ўсимлик ҳосилдорлигини минерал ўғитларнинг қўлланилиши билан боғлиқ эканлигини кўрсатиб, тўртинчи вариантда  $N_{90}P_{60}K_{40}$ , кг/га меъёрда қўлланилиши натижасида барг ва поя қуруқ массаси 166,1 % га ва уруғлари ҳосилдорлиги эса 153,4% ошиши, яъни ҳосилдорлик даражасини 1,5-1,6 баробарга ошиб боришини кўрсатди.

Типик бўз тупроқ шароитларида 2020-2022 йил олиб борилган тажрибаларда ҳам юқорида қайд этиб ўтилган вариантларда (назорат;  $N_{30}P_{60}K_{40}$ ;  $N_{60}P_{60}K_{40}$ ;  $N_{90}P_{60}K_{40}$  кг/га) белгиланди ва шу асосда ўсимликлар озиклантирилди. Хусусан, 2020 йилда олинган маълумотларга кўра, ўсимликнинг барги ва пояси қуруқ массаси-назоратда 4430,1 кг/га ва уруғ ҳосили 1514,5 кг/га, иккинчи вариантда барг ва поя ҳосилдорлиги 6475,9 кг/га ва уруғ ҳосили 1918,2 кг/га, учинчи вариантда поя ва барг қуруқ массаси 6875,9 кг/га ва уруғ ҳосили 2183,9 кг/га ҳамда тўртинчи вариантда эса поя ва барг массаси 7545,5 кг/га ва уруғ ҳосили 2440,5 кг/га атрофида қайд этилган бўлса, 2021 йиллари олинган маълумотларида эса, назоратда 4331,8 кг/га; уруғ ҳосили 1516,2 кг/га; иккинчи вариантда барг ва поя ҳосилдорлиги 6349,9 кг/га; уруғ ҳосили 1914,4 кг/га; учинчи вариантда поя ва барг қуруқ массаси 6750,9 кг/га, уруғ 2184,4 кг/га ҳамда тўртинчи вариантда эса поя ва барг массаси 7440,4 кг/га, уруғ ҳосили 2437,2 кг/га атрофида қайд этилди.

2022 йилдаги маълумотда барг ва поя ҳосилдорлиги назоратда 4290,4 кг/га; уруғ ҳосили 1516,2 кг/га; иккинчи вариантда барг ва поя ҳосилдорлиги 6300,5 кг/га; уруғ ҳосили 1918,2кг/га; учинчи вариантда поя ва



барг қуруқ массаси 6709,9 кг/га, уруғ 2183,9 кг/га ҳамда тўртинчи вариантда поя ва барг массаси 7390,6 кг/га, уруғ ҳосили 2441,5 кг/га атрофида қайд этилди (7 б-расм).

Олинган натижаларнинг таҳлили, минерал ўғитларни N<sub>90</sub>P<sub>60</sub>K<sub>40</sub> кг/га меъёردа қўлланилишини ўсимлик барги ва поясининг хомашёсини (172,2%) 1,7 баробарга ва уруғ ҳосилдорлигини (161%) 1,6 баробарга оширишини кўрсатди.

Оч тусли бўз тупроқ шароитларида Боғ балзами ўсимлигининг қуруқ массасига минерал ўғитларнинг таъсири ўрганилди. Олинган маълумотлар назорат вариантда ўсимликнинг барги ва пояси қуруқ массаси 2188,2 кг/га; уруғ ҳосили 503,9 кг/га ни, иккинчи вариантда барг ва поя 2984,6 кг/га; уруғ ҳосили 636,3 кг/га ни, учинчи вариантда поя ва барг қуруқ массаси 3365,4 кг/га, уруғ 703,8 кг/га ни ҳамда тўртинчи вариантда поя ва барг массаси 4001,2 кг/га, уруғ ҳосили 770,3 кг/га ни ташкил этганлигини кўрсатди.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ўсимликларнинг ҳосилдорлиги уларга минерал ўғитларнинг қўлланилиши билан тўғри пропорционал экан. Жумладан, назорат вариантда ўсимликларни ҳосилдорлиги 2188,2 кг/га ни ташкил этган бўлса, иккинчи (N<sub>30</sub>P<sub>60</sub>K<sub>40</sub>) вариантда бу кўрсаткичлар 2984,6 кг/га атрофида қайд этилди. Сезиларли даражадаги фарқли ўзгариш (барг массаси 4001,2 кг/га, уруғ ҳосили 770,3 кг/га) тўртинчи (N<sub>90</sub>P<sub>60</sub>K<sub>40</sub>) вариантда қайд этилиб, назоратга нисбатан (барг ва поя қуруқ массаси 182,8% ва уруғлари ҳосилдорлиги 152,8 %) қарийб 1,5-1,8 баробарга тенг бўлди.

2021 ва 2022 йилларда олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари ҳам 2020 йил олиб борилган тажрибалар билан яқин бўлиб, назорат вариантда 2113,3-2150,3 кг/га; уруғ ҳосили 506,5-506 кг/га; иккинчи вариантда эса барг ва поя 2884,4-2910,3 кг/га; уруғ ҳосили 640,7-640,5 кг/га; учинчи вариантда поя ва барг қуруқ массаси 3265,4-3315,4 кг/га, уруғ 705-706,8 кг/га; тўртинчи вариантда поя ва барг массаси 3910,6-3960,6 кг/га, уруғ ҳосили 762-774,7 кг/га оралиғида қайд этилди (8 а-расм).



А-оч тусли бўз                      Б-типик бўз  
**8-расм. Боғ балзами ўсимлигининг барг, поя ва уруғ ҳосилдорлик кўрсаткичлари, кг/га (2020-2022 йй.)**

Олиб борилган тадқиқотлар ўсимлик ҳосилдорлиги минерал ўғитларнинг қўлланилиши билан боғлиқ эканлигини кўрсатиб, тўртинчи вариантда  $N_{90}P_{60}K_{40}$  кг/га меъёردа қўлланилиши натижасида барг ва поя қуруқ массаси 184,1% га ва уруғлари ҳосилдорлиги эса 153,1% ошиши, яъни ҳосилдорлик даражасини барг ва поя 1,8 баробарга уруғ ҳосили 1,5 баробарга ошиши кузатилди.

Типик бўз тупроқ шароитларида 2020 йилда олинган маълумотларга кўра, ўсимликнинг барги ва пояси қуруқ массаси-назоратда 2453,0 кг/га ва уруғ ҳосили 534,4 кг/га, иккинчи вариантда барг ва поя ҳосилдорлиги 3494,2 кг/га ва уруғ ҳосили 687,5 кг/га, учинчи вариантда поя ва барг қуруқ массаси 3874,2 кг/га ва уруғ ҳосили 782,7 кг/га ҳамда тўртинчи вариантда эса поя ва барг массаси 4541,1 кг/га ва уруғ ҳосили 904,2 кг/га атрофида қайд этилган бўлса, 2021 йилларда олинган маълумотларда эса, барг ва поя ҳосилдорлик кўрсаткичлар назоратда 2310,1 кг/га; уруғ ҳосили 527,3 кг/га; иккинчи вариантда барг ва поя ҳосилдорлиги 3360,1 кг/га; уруғ ҳосили 690 кг/га; учинчи вариантда поя ва барг қуруқ массаси 3751,3 кг/га, уруғ 776,5 кг/га ҳамда тўртинчи вариантда эса поя ва барг массаси 4425,7 кг/га, уруғ ҳосили 897 кг/га ни ташкил қилди.

2022 йилдаги маълумотда барг ва поя ҳосилдорлиги назоратда 2250,5 кг/га; уруғ ҳосили 532,6 кг/га; иккинчи вариантда барг ва поя ҳосилдорлиги 3290,7 кг/га; уруғ ҳосили 692,8 кг/га; учинчи вариантда поя ва барг қуруқ массаси 3680,6 кг/га, уруғ 788,5 кг/га ҳамда тўртинчи вариантда поя ва барг массаси 4375,7 кг/га, уруғ ҳосили 913,8 кг/га атрофида қайд этилди

Олинган натижаларнинг қиёсий таҳлили минерал ўғитларни  $N_{90}P_{60}K_{40}$  кг/га меъёردа қўлланилиши ўсимлик барги ва поясининг хом ашёсини (194,4%) 1,9 баробарга ва уруғ ҳосилдорлиги эса (170,1%) 1,7 баробарга оширишини кўрсатди (8 б-расм).

*Бўёқли басма* ва *Боғ балзами ўсимликларининг фитокимёвий таркибига минерал ўғитларнинг таъсири* деб номланган бўлимда ўсимликларни кимёвий таркиби ўрганилган. Лаборатория таҳлиллари натижаларига кўра, ҳар икки (*Бўёқли басма* ва *Боғ балзами*) тур ўсимлик ер устки ва ер остки қисмлари таркибида флавоноидлар гуруҳига мансуб 8-10 та биологик фаол моддалар ҳамда 40 га яқин макро ва микроэлементлар учраши аниқланган. Ҳамда ўсимликлар таркибидаги биологик фаол модданинг тўпланиши минерал ўғитларни қўлланилиши билан бевосита боғлиқлиги аниқланиб, юқори кўрсаткичлар минерал ўғитлар  $N_{60}P_{60}K_{40}$  меъёردа қўлланилган вариантда қайд этилганлиги илмий исботланган.

*Қўлланилган минерал ўғитларнинг Бўёқли басма* ва *Боғ балзами ўсимликлари томонидан ўзлаштирилиши* деб номланган бўлимда типик ва оч тусли бўз тупроқ-иқлим шароитларида мазкур ўсимликларнинг озиқа элементларини ўзлаштириши қўлланилган минерал ўғитларнинг меъёрига ҳамда тупроқнинг юқори қатламида ўзлаштирувчан N P K элементининг миқдори, қўлланилган ўғитларнинг меъёрлари нисбатида таҳлил этилган.

**Бўёқли басма (*Indigofera tinctoria* L.) ва Боғ балзами (*Impatiens***

*balsamina L.*) ўсимликларини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги номли бешинчи боб, Тошкент вилояти типик бўз тупроқлар шароитида Бўёқли басма ва Боғ балзами ўсимликларини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги бўлимида Бўёқли басма хомашёсидан келган соф даромад ўғит солинмаган (назорат) вариантда 79060550 сўм/га, таклиф қилинаётган ( $N_{60}P_{60}K_{40}$ ) вариантда 123994380 сўм/га атрофида қайд этилди. Ўсимликнинг уруғ хом ашёларидан олинадиган фойда назоратда 31445959 сўм/га ва таклиф қилинаётган ( $N_{60}P_{60}K_{40}$ ) вариантда 44965943 сўм/га бўлганлиги аниқланди. Рентабеллик даражаси поя ва барг маҳсулотлари учун назорат вариантда 376,4 % ва таклиф қилинаётган вариантда 388,4 % ҳамда уруғ хом ашёлари бўйича назорат вариантда 184,4% ва таклиф қилинаётган вариантда 180,4 % атрофида қайд этилди.

Типик бўз тупроқ шароитларида етиштирилган Боғ балзами ўсимлигининг поя ва барг хомашёсидан олинадиган соф даромад назорат вариантда 28536344 сўм/га ва таклиф қилинаётган ( $N_{60}P_{60}K_{40}$ ) вариантда 47632414 сўм/га ташкил қилди. Шунингдек, уруғ ҳосилдорлиги назорат вариантда 10869055 сўм/га ташкил этиши ва таклиф қилинаётган ( $N_{60}P_{60}K_{40}$ ) вариантда 16322815 сўм/га рентабеллик даражаси назорат вариантда 156,6% ва таклиф қилинаётган ( $N_{60}P_{60}K_{40}$ ) вариантда 171,7% ҳамда уруғ ҳосилдорлиги бўйича назорат вариантда 69,2%, таклиф қилинаётган ( $N_{60}P_{60}K_{40}$ ) агротехникада эса 71,6% атрофида қайд этилди.

Тошкент вилояти оч тусли бўз тупроқлар шароитида Бўёқли басма ва Боғ балзами ўсимликларини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги бўлимида Бўёқли басма ўсимлигининг хомашёсидан келган соф даромад ўғит солинмаган (назорат) вариантда 63869550 сўм/га ни ва таклиф қилинаётган ( $N_{60}P_{60}K_{40}$ ) вариантда эса 99867380 сўм/га ни ташкил этди. Ўсимлик уруғларидан олинадиган даромад назоратда 29028359 сўм/га ва таклиф қилинаётган ( $N_{60}P_{60}K_{40}$ ) вариантда 34626743 сўм/га атрофида қайд этилди. Барг ва поя учун рентабеллик даражаси назорат вариантда 290,2% ва таклиф қилинаётган ( $N_{60}P_{60}K_{40}$ ) вариантда 312,9% ни ҳамда уруғлар учун бу кўрсаткичлар назорат вариантда 160,8% ва таклиф қилинаётган ( $N_{60}P_{60}K_{40}$ ) вариантда 138,9% атрофида қайд этилди.

Оч тусли бўз тупроқ шароитларида бу кўрсаткичлар Боғ балзами ўсимлиги хомашёсидан келган соф даромад назоратда 23780344 сўм ва таклиф қилинаётган вариантда 38566414 сўм/га ни ташкил қилади. Бу кўрсаткичлар ўсимлик уруғларида назоратда 8569055 сўм/га ва таклиф қилинаётган вариантда 12457815 сўм/га ташкил қилди. Рентабеллик даражаси поя ва барг маҳсулотлари учун назорат вариантда 123,7% ва таклиф қилинаётган вариантда 139,0% ни ҳамда уруғлар учун эса назорат вариантда 51,3% ни ва таклиф қилинаётган вариантда 54,7% атрофида қайд этилди.

## ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

1. Ўсимликларда уруғларнинг унувчанлиги ҳаво ҳарорати билан бевосита боғлиқ эканлиги аниқланиб, лаборатория шароитида Бўёқли басма

Ўсимлиги уруғларининг униб чиқиши учун мақбул ҳаво ҳарорати  $25^{\circ}\text{C}$  ни ташкил этиб, 82% унувчанлик қайд этилганлиги илмий асосланди, Боғ балзами ўсимлигида эса бу кўрсаткичлар  $20^{\circ}\text{C}$  ни ташкил этиб, унувчанлик кўрсаткичлари 95% бўлганлиги илмий исботланди.

Дала шароитида Бўёқли басма ўсимлигининг уруғ унувчанлиги 83,5% ва Боғ балзами ўсимлиги уруғ унувчанлиги эса 82 % унувчанлик даражаси илмий асосланди.

2. Ҳар икки ҳудуд учун Бўёқли басма уруғлари мақбул экиш меъёри 3кг/га этиб белгиланиб, бу экиш меъёри 2 ва 4 кг/га нисбатан ўсимликларнинг шохланиш даражасининг юқори бўлиши ҳамда барглари сони ва сатҳининг ошишини таъминлайди.

3. Ҳар икки ҳудуд учун Боғ балзами уруғларини мақбул экиш меъёри 4 кг/га этиб белгиланиб, бу экиш меъёри 3 ва 5 кг/га нисбатан ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиши ҳамда ҳосилдорлик даражасини ошишини таъминлайди.

4. Тошкент воҳаси шароитида ўсимликларнинг (Бўёқли басма ва Боғ балзами) мавсумий ривожланиш фазаларининг ўзгариши иқлим ҳамда тупроқ шароитлари билан узвий боғлиқ бўлиб, ҳаво ҳароратининг ўртача  $20-25^{\circ}\text{C}$  га кўтарилиши, ўсимликда вегетация жараёнининг жадаллашиши ва аксинча, ҳароратни пасайиши вегетация даврининг чўзилишига сабаб бўлади. Ўртача ҳаво ҳароратининг  $30-35^{\circ}\text{C}$  га ва ҳавонинг нисбий намлигининг ўртача 25-50 % га пасайиши билан ўсимликларда гуллаш жараёни кузатилади.

5. Ҳар икки (Бўёқли басма ва Боғ балзами) тур ўсимлик ер устки ва ер остки қисмлари таркибида флавоноидлар гуруҳига мансуб 8-10 та биологик фаол моддалар ҳамда 40 га яқин макро ва микроэлементлар учраши аниқланди. Ўсимликлар таркибидаги биологик фаол модданинг тўпланиши минерал ўғитларни қўлланилиши билан бевосита боғлиқ бўлиб, нисбатан юқори кўрсаткичлар  $\text{N}_{60}\text{P}_{60}\text{K}_{40}$  меъёрида қўлланилган вариантда қайд этилди.

6. Оч тусли бўз тупроқлар шароитида (Бўёқли басма) минерал ўғитларнинг  $\text{N}_{90}\text{P}_{60}\text{K}_{40}$  кг/га меъёрлари қўлланилганда ўғит солинмаган (назорат) вариантга нисбатан ҳосилдорлик даражаси 1,5-1,6 баробарга ҳамда типик бўз тупроқ шароитларида эса бу кўрсаткичларнинг нозоратга нисбатан 1,6-1,7 баробарга ошиб борганлиги изланишлар давомида аниқланди.

7. Оч тусли бўз тупроқлар шароитида (Боғ балзами) минерал ўғитларнинг  $\text{N}_{90}\text{P}_{60}\text{K}_{40}$  кг/га меъёрлари қўлланилганда ўғит солинмаган (назорат) вариантга нисбатан 1,5-1,8 баробарга ҳамда типик бўз тупроқ шароитларида эса бу кўрсаткичларнинг 1,9-1,7 баробарга ошиб бориши тадқиқотлар давомида аниқланди.

8. Оч тусли бўз тупроқ шароитида Бўёқли басма ўсимлигини озиқа элементларини ўзлаштириш коэффициенти азот–45,5 %, фосфор–5,8 %, калий–26,4 %; Боғ балзами ўсимлигида азот–45,5 %, фосфор–14,4 %, калий–25,6 % ни ташкил этди.

Типик бўз тупроқлар шароитида Бўёқли басма ўсимлигининг ўзлаштириш коэффициенти-азот–29,4 %, фосфор–28,2 %, калий–24,4 %; Боғ

балзамида азот–38,6 %, фосфор–11,6 %, калий–33,2 % атрофида қайд этилди.

9. Оч тусли бўз тупроқ шароитида Бўёқли басма ўсимлигини етиштиришда нисбатан юқори кўрсаткич  $N_{60}P_{60}K_{40}$  кг/га меъёрда қўлланилган вариантда қайд этилиб, соф фойда 134494123 сўм/га ни ҳамда типик бўз тупроқ шароитларида бу кўрсаткичлар 168960323 сўм/га бўлганлиги қайд этилди.

10. Оч тусли бўз тупроқлар шароитида Боғ балзами ўсимлигини етиштиришда юқори натижа  $N_{90}P_{60}K_{40}$  кг/га меъёрда қўлланилган вариантларда қайд этилиб, соф фойда 51024229 сўм/га ни ҳамда типик бўз тупроқ шароитида эса бу кўрсаткич 63955229 сўм/га бўлиши аниқланди.

11. Оч тусли ва типик бўз тупроқ шароитларида Бўёқли басмани етиштиришда уруғларни апрель ойининг учинчи декадасида экиш мақбул ҳисобланиб, бунда уруғларни 3кг/га меъёрда сарфлаш ва экиш схемасини 90x15 см да танлаш ҳамда экиш чуқурлигини 2-3 см да белгилаш тавсия этилади. Шунингдек, ўсимликларни етарлича ўсиши ва ривожланишини таъминлаш мақсадида уларга минерал ( $N_{60}P_{60}K_{40}$  кг/га меъёрда) ўғитларни қўллаш таклиф этилади.

12. Оч тусли ва типик бўз тупроқ шароитларида Боғ балзами ўсимлигини етиштиришда уруғларни экиш апрель ойининг иккинчи декадаси мақбул ҳисобланиб, бунда уруғларни 4кг/га меъёрда сарфлаш ва экиш схемасини 90x10 см да танлаш ҳамда экиш чуқурлигини 2-3 см да белгилаш тавсия этилади. Ўсимликларнинг етарлича ўсиши ва ривожланишини таъминлаш мақсадида уларга минерал ( $N_{60}P_{60}K_{40}$ кг/га меъёрда) ўғитларни қўллаш таклиф этилади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА  
DSc.05/29.04.2022. Qx.13.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ  
СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ЛЕСНОГО  
ХОЗЯЙСТВА**

**АЯСОВ ХУШБЕК ГАЙБУЛЛАЕВИЧ**

**“БИОЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ И ТЕХНОЛОГИЯ  
ВОЗДЕЛЫВАНИЯ ИНДИГОФЕРЫ КРАСИЛЬНОЙ (*INDIGOFERA  
TINCTORIA* L.) И БАЛЬЗАМИНА САДОВОГО (*IMPATIENS  
BALSAMINA* L.) В УСЛОВИЯХ ТАШКЕНТСКОГО ОАЗИСА**

**06.03.03 – Интродукция, технология выращивания и агрофармэкология  
лекарственных растений**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2024**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии Республики Узбекистан за номером B2022.1.PhD/Qx882

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте лесного хозяйства.

Автореферат диссертации доктора философии (PhD) на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на сайте Научного совета ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) и в Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

Научный руководитель:

**Ахмедов Эгамёр Ташбаевич**  
кандидат биологических наук, доцент

Официальные оппоненты:

**Хамраева Дилобар Толибжоновна,**  
доктор биологических наук

**Баратова Мохидил Рахимовна,**  
доктор сельскохозяйственных наук

Ведущая организация:

**Агентство лесного хозяйства**

Защита диссертации состоится 23 июля 2024 года в 10:00 часов на заседании разового научного совета на основе Научного Совета DSc. 05/29.04.2022.Qx.13.04 по присуждению ученых степеней при Ташкентском Государственном аграрном университете (Адрес 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, 2-дом. Тел.: (+71) 260-48-00; факс: (71) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz). Административный корпус ТашГАУ, 2 этаж, конференцзал).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована за номером 551374). (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан 11 июля 2024 г.

(реестр протокола рассылки №1 25 июня 2024 г.)

**Ж. П. Файзиев**  
Председатель разового научного совета по присуждению ученых степеней, д.с.х.н., профессор  
**М. З. Холматов**  
Член секретариата научного совета по присуждению ученых степеней, д.с.х.н., доцент  
**С. М. Юнусов**  
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.с.х.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** Известно, что по всему миру число растений, произрастающих в природных условиях составляет около 400 000 видов<sup>1</sup>. Более 1000 видов этих растений используются в медицине для лечения и профилактики определенных заболеваний. На сегодняшний день перспективные виды лекарственных растений широко культивируются развитых стран мира. Среди таких стран «Австрия (4,5 тыс. га), Германия (6 тыс. га), Испания (20 тыс. га), Франция (30 тыс. га), Польша (35 тыс. га), Венгрия (45 тыс. га), Китай (470 тыс. га), Индия (300 тыс. га) и ряд других развитых стран мира являются лидерами по выращиванию лекарственных растений современными методами»<sup>2</sup>. Виды растений, как Индигофера красильная и Бальзамин садовый, выращиваемые на посевных площадях, обеспечивают фармацевтическую промышленность высоким и качественным сырьем, что имеет важное значение при приготовлении лекарственных средств на основе натуральных органических продуктов, чем на основе химических препаратов.

Выращивание лекарственных растений, сохранение существующего генофонда, восстановление природных запасов, а также их культурное размножение являются одним из важнейших направлений в странах мира. Одной из приоритетных задач является развитие фармацевтической промышленности и увеличение видов натуральных лекарственных средств на основе сырья лекарственных растений. Сегодня ведущие страны мира-производители сырья Индигоферы красильной и Бальзамина садового особое внимание уделяют повышению урожайности и качества сырья за счет разработки и применения норм посева семян и передовых методов агротехнологий возделывания. В связи с этим проводятся масштабные научно-исследовательские работы по разработке норм необходимых минеральных и органических удобрений и агротехнических мероприятий при повышении урожайности сырья лекарственных растений.

Проведен ряд научных исследований по выращиванию, размножению и закладке плантаций лекарственных растений, их интродукции и акклиматизации в различных почвенно-климатических условиях нашей республики и достигнуты определенные положительные результаты. Однако, недостаточно изучены и разработаны вопросы агротехнологии возделывания Индигоферы красильной и Бальзамина садового в различных почвенно-климатических условиях республики. В Постановлении Республики Узбекистан «О Стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы» намечены такие задачи, как «Увеличение доходов дехкан и фермеров как минимум в два раза с обеспечением ежегодного роста объемов сельского хозяйства не менее чем на 5 процентов за счет интенсивного развития

<sup>1</sup> [www.floruz.uz](http://www.floruz.uz)

<sup>2</sup> Министерство сельского хозяйства Республики Узбекистан, пособие для специалистов, выращивающих и заготавливающих лекарственные и пряные растения. Ташкент-2020.

сельского хозяйства и применения передовых достижений науки»<sup>3</sup>. В связи с этим актуальной задачей является разработка современных методов размножения и выращивания Индигоферы красильной и Бальзамина садового в условиях Узбекистана на научно-практической основе.

